


## Хорижий ўқитувчи маълумотларини шакллантириш

### Хорижий ўқитувчини киритиш

Хорижий ўқитувчини киритиш тизим ойнасининг **Xodimlar / Xorijiy o'qituvchi** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




### 1-расм. Хорижий ўқитувчини қўшиш

Хорижий ўқитувчини қўшиш учун **+Qo'shish** тугмасини танланг. Натижада ўқитувчини қўшиш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Ўқитувчининг маълумотларини шакллантириш ойнасида қуйидаги амалларни бажаринг:

- **O'quv yili** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **To'liq ismi** майдонига ходимни киритинг;
- **Davlat** майдонидан давлатни танланг;
- **Ish joyi** майдонига иш жойини киритинг;
- **Fanlar** майдонига фанни киритинг;
- **Mutaxassislik nomi** майдонига мутахассисликни киритинг;
- **Asos hujjati** майдонига асосни киритинг.

Барча маълумотлар тўғри бўлса сақлаш тугмасини танланг. Натижада хорижий ўқитувчи қўшилади.



### 2-расм. Хорижий ўқитувчи маълумотларини шакллантириш

Қўшилган хорижий ўқитувчини кўриш тизим ойнасининг **Xodimlar / o'qituvchi** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).

#	To'liq ismi	Mutaxassislik nomi	Fanlar	Contract Date
1	Alex Wilson Amerika Qo'shma Shtatlari	Kompyuter ing'ining Kembridge universiteti	Algoritmlar 2021-2022	15-12.12.2021 20.10.2021 13:58:13

3-расм. Хорижий ОТМда фаолият олиб борадиган ўқувчилар рўйхати.

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ОТМда фаолият олиб борадиган хорижий ўқитувчилар яратиб чиқилади.

### Хорижий ўқитувчи маълумотларини тахрирлаш

Хорижий ўқитувчи маълумотини тахрирлаш учун хорижий ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчини танланг. Натижада экранда хорижий ўқитувчи маълумотларини тахрирлаш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Ушбу ойдан бирор бир тахрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали маълумотларни сақланг.

### Хорижий ўқитувчи маълумотларини ўчириш

Хорижий ўқитувчи маълумотини ўчириш учун хорижий ОТМда фаолият олиб борадиган ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчини танланг. Натижада экранда хорижий ўқитувчи маълумотларини тахрирлаш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Ўқитувчини ўчириш учун тахрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади.